

“Микрокредитбанк” АТБ акциядорлари ДИҚҚАТИГА!

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2019 йил 4 октябрь, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй манзили бўйича “Микрокредитбанк” АТБ мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Банк акциядорлари реестри 2019 йил 27 сентябрь ҳолатига тузилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзоси ваколатини муддатидан илгари тугатиш.

3. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши янги аъзосини сайлаш.

4. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг 2018 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

5. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки томонидан “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари” тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва ушбу Қоидаларга Банкнинг риоя этиши тўғрисидаги хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

6. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомига ўзгартиришлар киритиш ва “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги”ги низомини тасдиқлаш.

7. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақида хабар қилиш 2019 йил “9” сентябрь ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотлари асосида Акциядорларнинг электрон почта манзилларига билдиришнома юбориш орқали амалга оширилади.

Акциядорлар Умумий йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда кўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан қуйидаги манзилга ва телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда Банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.

Тел: 71-202-99-99 (1015, 1170)

Банк Кузатув кенгаши